



## ISSUES OF STAFFING IN STRATEGIC PLANNING OF CITIES WITH TOURIST DESTINATIONS

**I.S. Tuxliev**

*Professor*

*Samarkand Institute of Economics and Service  
Samarkand, Uzbekistan*

**Z.O. Rakhimov**

*Associate Professor*

*Samarkand Institute of Economics and Service  
Samarkand, Uzbekistan*

---

### ABOUT ARTICLE

---

**Key words:** tourism, tourist destination, education system, modernization, material and technical base, qualified specialists, information, retraining.

**Received:** 02.06.22

**Accepted:** 04.06.22

**Published:** 06.06.22

**Abstract:** The article discusses the results of the process of strategic planning of cities with tourist destinations and, ultimately, the level of development of the urban tourist complex largely depends on the effectiveness of the selection, employment and use of tourist personnel. One of the most important directions in solving the personnel problem of the industry was the reform of the existing system of higher education in the field of tourism. As part of the reform, new educational programs have been developed for a number of years to strengthen the training base for the tourism industry, and are actively published.

---

## ТУРИСТИК ДЕСТИНАЦИЯГА ЭГА БЎЛГАН ШАҲАРЛАРНИ СТРАТЕГИК РЕЖАЛАШТИРИШДА КАДРЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ

**И.С. Тухлиев**

*Профессор*

*Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти  
Самарқанд, Ўзбекистон*

**З.О. Рахимов**

*Доцент*

*Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти  
Самарқанд, Ўзбекистон*

---

**МАҚОЛА ҲАҚИДА**

---

**Калит сўзлар:** туризм, туристик дестинация, таълим тизими, модернизация, моддий-техник база, малакали мутахассислар, ахборот, қайта тайёрлаш.

**Аннотация:** Мақолада туристик дестинацияга эга бўлган шаҳарларни стратегик режалаштириш жараёнининг натижалари ва якуний ҳисобда шаҳар туристик мажмуасининг ривожланиш даражаси кўп жиҳатдан туристик соҳа ходимларни танлаш, ишга тақсимлаш ҳамда фойдаланиш самарадорлигига боғлиқлиги қараб чиқилган. Тармоқнинг кадр муаммосини ҳал қилишда энг муҳим йўналишлардан бири туризм соҳасида олий таълимнинг шаклланган тизимини ислоҳ қилиш бўлди. Олиб борилаётган ислоҳот доирасида қатор йиллар давомида туристик саноат учун ўқув базасини мустаҳкамлаш мақсадида янги таълим дастурлари ишлаб чиқилди, ўқув жараёнида банд кадрлар ва илмий салоҳият сифати такомиллаштирилмоқда, сифат жиҳатидан янги моддий-техник ва тажрибавий базалар замонавийлаштирилмоқда ва янгилари яратилмоқда, турли туман ўқув-услубий кўлланмалар фаол нашр этилмоқда.

---

**ТЕКСТ НАУЧНОЙ РАБОТЫ НА ТЕМУ «ВОПРОСЫ КАДРОВОГО ОБЕСПЕЧЕНИЯ  
В СТРАТЕГИЧЕСКОМ ПЛАНИРОВАНИИ ГОРОДОВ С ТУРИСТСКИМИ  
ДЕСТИНАЦИЯМИ»**

**И.С. Тухлиев**

*Профессор*

*Самаркандский институт экономики и сервиса*

*Самарканд, Узбекистан*

**З.О. Рахимов**

*Доцент*

*Самаркандский институт экономики и сервиса*

*Самарканд, Узбекистан*

---

**О СТАТЬЕ**

---

**Ключевые слова:** туризм, туристская дестинация, система образования, модернизация, материально-техническая база, квалифицированные специалисты, информация, переподготовка.

**Аннотация:** В статье рассматриваются результаты процесса стратегического планирования городов с туристскими дестинациями и, в конечном счете, уровень развития городского туристского комплекса во многом зависит от эффективности подбора, трудоустройства и использования туристских кадров. Одним из важнейших направлений в решении кадровой проблемы отрасли стало реформирование существующей системы высшего образования в сфере туризма. В рамках

---

реформы в течение ряда лет разрабатываются новые образовательные программы для укрепления базы подготовки кадров для туристической отрасли, активно издаются.

## КИРИШ

Туристик дестинацияларини ривожлантиришни стратегик режалаштириш ва бошқаришни таъминлашда кадрлар етакчи роллардан бирини ўйнайди. Туризм бошқариш шаҳар ва вилоят туризмларида банд бўлган кадрларни тайёрлашнинг ҳозирги ҳолатига келсак, мавжуд амалий тажрибанинг таҳлили бунда ўз ечимини кутаётган бир қатор йирик муаммолар борлигидан далолат беради.

Биринчидан, туристик тармокни бошқаришда банд бўлган кадрларнинг бир қисми етарлича махсус тайёргарликка эга эмас ва бу туризмни ривожлантиришнинг тамомила янги масалаларини ҳал қилишнинг моҳияти ва услубларини улар томонидан тушунилишини қийинлаштиради. Шаҳарлик ходимларнинг туристик фаннинг қуйидаги соҳаларида етарлича тайёргарликка эга эмаслиги: туристик дестинация сифатида ҳудуд ривожланишининг асосий қонунларини тушуниш, шаҳарнинг мажмуавий ривожланишига туризм таъсирини баҳолаш, туризм назарияси, туropolерейтинг, туристик терминологияни ва шаҳар туристик маҳсулоти маркетингини билиш ҳамда бошқа соҳалардаги билимлар етишмаслиги, бизнингча, умуман шаҳар туристик соҳаси ишлашининг самарадорлигини жиддий равишда орқага тортади, туризмни бошқаришга инерцион ёндашув кучайишига туртки бўлади, бошқарув тузилмаси тарқоқлигини келтириб чиқаради, бинобарин, туризмга шаҳар иқтисодиётининг тартибсиз ривожланаётган, назорати қийин ва бирор бир режалаштиришга кучсиз бўйсунадиган унсури сифатидаги муносабатни юзага келтиради. Раҳбар кадрларни танлашнинг шаклланган, маълум талабларнинг эски доираси билан чекланган амалиёти учун ҳам шундай инерцион ёндашув хосдир. Бизнингча, мавжуд ҳолат энг кескин тарзда ўзгартирилиши лозим.

## АСОСИЙ ҚИСМ

Туризмни бошқариш тизимида ишлаш учун кадрлар малакасини ошириш муаммосининг муҳим жиҳати саволга жавоб беришдан иборат – шаҳар туристик мажмуини ривожлантиришни самарали режалаштириш ва бошқариш масаласини ҳал қилишда банд бўлган мутахассис қандай билим ва малакага эга бўлиши лозим?

Ушбу саволга жавоб бериш учун туристик саноатнинг етакчи вакиллари, шаҳар маъмуриятининг турли департамент ва қўмиталари мутахассислари ҳамда жамоат сектори мутахассислари, жумладан стратегик туристик режалаштиришга қўшилган мутахассислар учун ўтказиладиган мувофиқ ўқув дастурларига киритилиши мумкин бўлган кадрлар малакасини оширишнинг асосий йўналишларини асослаш зарур.

Кадрлар малакасини ошириш дастурларига киритиладиган асосий масалалар қуйидагилар бўлиши керак деб ҳисоблаймиз:

- туризмни ривожлантиришни режалаштириш ва бошқаришнинг ҳуқуқий асослари;
- туризм саноатининг тузилиши ва ўзига хос хусусиятлари;
- атроф муҳитга туризм таъсир қилишининг асосий йўналишлари;
- шаҳарнинг туристик маҳсулотини режалаштириш;
- туризмда маркетингни режалаштириш;
- туроператорлик ва турагентлик.

Ўқитиш дастурларини тузишда қуйидаги асосий ҳолатларни дастуриламал сифатида олиш маъқул:

1. Йирик шаҳар миқёсида туризмни ривожлантиришни режалаштириш ва бошқаришнинг меъёрий-ҳуқуқий асосларини ўрганишда ҳам давлат, ҳам маҳаллий миқёсдаги мос меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни кўриб чиқиш зарурдир. Мазкур блокни ўрганиш туризмни маъмурий бошқаришнинг тамойиллари, тузилиши ва асосий услубларининг ўқувчилар томонидан яхши тушуниш ҳамда мавжуд ҳуқуқий асосни “туристик саноат – ҳокимиятнинг минтақавий органлари – ҳукумат/давлат – туристик саноат – истеъмолчи” занжирига кўра туристик саноат доирасидаги ўзаромуносабатлар билан самарали боғлаш имконини беради.

Мазкур блокни ўрганишнинг натижаси тингловчилар томонидан шаҳар туристик таклифини режалаштириш ва илгари суриш сингари алоҳида бошқарув вазифаларини бажаришда маҳаллий, минтақавий ва миллий ҳокимият органларининг ролини тушуниш, умумий манфаатдор структураларни аниқлаш ёки шакллантиришни тушуниш, туристик ҳудуд менежментининг асосий фалсафасини ва туризмни бошқаришда коммуникация ролининг муҳимлигини тушуниб олиш ҳисобланади. Малакани ошириш ушбу блокни яна шуниси билан ҳам муҳимки, туризмдаги замонавий тенденциялар туристик маъмуриятлар ролининг ошиши ҳамда ўз-ўзини бошқариш маҳаллий органлари ролининг ошиши, туризмни ривожлантириш жараёнида уларнинг масъулияти ва мустақиллиги, айниқса минтақавий ва ўз-ўзини идора қилиш миқёсидаги роли билан боғлиқ.

2. Туристик саноатнинг тузилиши ва ўзига хосликларини ўрганишда туристик дестинация сифатида ҳудудларни ривожлантириш, ривожланиш асосий шакллари ва таркибий қисимлари, туристик дестинациялар ривожланишининг замонавий тенденциялар таҳлилининг концептуал асосларига ҳамда туризм ривожланишига таъсир қилувчи омилларни ўрганишга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Бунда туризмнинг мураккаб ижтимоий-иқтисодий тизим ва шаҳар иқтисодиётининг энг муҳим таркибий қисмларидан бири сифатидаги ўрни ва ролини тизимли тушуниш асосий натижа бўлиши мумкин.

3. Атроф муҳитга туризм таъсирининг асосий йўналишларини ўрганиш, бизнингча, қуйидаги асосий йўналишлар бўйича олиб борилиши лозим:

- шаҳар иқтисодиётига туризмнинг таъсири натижаларини ва уни ўлчаш ва статистик ҳисобга олиш усулларини ўрганиш мақсадида иқтисодий таъсирни ҳисоблаш;
- ижтимоий-маданий таъсирни ва табиий муҳитга таъсирни алоқадор муаммоларини ҳал қилишга турли ёндашувларни ўрганиш мақсадида ҳисоблаш.

Туризм таъсирининг ҳар-хил турларини ўрганиш туристик объектларга йўл қўйиладиган юкларларни аниқлаш ҳамда хусусий ва жамоат секторлари орасидаги ўзаро муносабатларни мувофиқ режалаштириш заруратини долзарблаштириш, туристик ривожланишнинг атроф муҳитга таъсирини туристик режалаштириш амалиётида ҳисоблашнинг самарали услубларидан фойдаланиш имконини тўғдиради.

4. Шаҳар туристик маҳсулотини режалаштиришнинг асосий хусусиятларини ўрганишда тингловчилар шаҳар туристик маҳсулотининг барча асосий қисимларини тадқиқ этиш, унинг асосий қисмлари хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда туристик маҳсулотни режалаштириш жараёнини эгаллаш имконига эга бўлишади: жойлаштириш воситалари, туристик транспорт, туристик диққатга сазоворликларни бошқариш ҳамда режалаштиришнинг асосий босқичлари ва жараёнларини тадқиқ этиш имкони берилади. Мазкур бўлимни тадқиқ этиш тингловчиларга таҳлилий ишлаш, шаҳар туристик маҳсулотини ривожлантиришнинг йўналишларини танлаш ва мақсадларини шакллантиришнинг асосий техникасини эгаллаш имконини беради.

5. Малака ошириш дастурининг муҳим унсури туризмни ўз-ўзини бошқариш даражасида бошқариш билан ўзаро боғлиқликда маркетинг ва савдо тамойилларини ўрганиш бўлиши зарур. Ушбу масаланинг долзарблиги аниқ ва шубҳасиздир. Шунга кўра маркетингни режалаштириш жаҳатларининг ўрганилиши истеъмолчи хатти-ҳаракатлари назарияси ва сабабларининг омилларини, туристик саноат таркибий қисми сифатида туристик операторлар ва агентлар ролини ҳамда туризмдаги савдонинг замонавий тенденцияларини, замонавий ахборот технологияларининг туристик маркетингдаги ролини ўрганиш кабиларни ўз ичига олиши лозим.

### ХУЛОСА

Айтиб ўтилган таклифлар қисқа муддатли ва узоқ муддатли курслар, мавзули семинарлар ва бевосита режалаштириш жараёнига жалб этилган туризм соҳасининг ходимларини ҳам, режалаштириш жараёнида қисман банд бўлган шаҳар маъмурияти, ижтимоий уюшмалар турли қўмита ва департаментлари вакилларининг ҳам қайта тайёрлаш ҳамда малакасини оширишнинг бошқа шакллари дастурларига ташкилий тарзда киритилиши мумин. Ўқитишнинг белгиланган шаклларида фойдаланишни Самарқанд иқтисод ва сервис

институти базасида ўтказиш мақбул бўлиб, бу ерда катта илмий салоҳият ва турли тоифадаги кишилар учун туризм бўйича ўқитиш дастурлари мавжуд.

Бизнингча, маҳаллий миқёсда туризмни ривожлантириш режа ва дастурларини ишлаб чиқишда банд бўлган ходимлар касбий маҳоратини таъминлашнинг самарали курали давлат ва маҳаллий хизматчиларни қайта тайёрлаш ҳамда малакасини оширишга буюртма ҳисобланади. Мазкур ҳолатда буюртма маҳаллий маъмуриятнинг шаҳар бюджетида ушбу мақсад учун кўзда тутилган чегараларда ходимларни кўшимча касбий ўқитиш топшириғидир.

Бундай буюртмани шакллантириш зарурати аввало бошқарув ходимларининг етарлича касбий тайёргарликка эга эмаслиги, туристик саноат, жумладан туристик маъмурият ходимларига қўйиладиган янги малакавий талабларнинг ишлаб чиқилиши, шаҳар туристик мажмуини ривожлантиришнинг мавжуд муаммолари, ҳал этилиши малакали кадрлар етишмаслигига боғлиқ муаммолар билан белгиланади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Tukhliev I.S., Sobirov B. Ways to Increase the Competitiveness of Tourism Services Through the Application of Digital Technologies in Uzbekistan. Middle European Scientific Bulletin, VOLUME13June 2021
2. Tukhliev I.S., Muhamadiyev A.N. Smart-tourism experience in geo information systems. International Scientific Journal, Theoretical & Applied Science. Impact Factor: Philadelphia, USA. April 30, 2019
3. Tukhliev I.S., Sobirov B. State regulation of innovative activities in new Uzbekistan. International Consortium on Academic, Trends on Education and Science Hosted from London, England <http://euroasiaconference.com> April 3rd -4th 2021
4. Rakhimov, Z. O., Haitboev, R., Ibadullaev, N. E., & Safarov, B. S. (2018). Tour operating. Study guide. Tashkent: "Science and Technology.
5. Raximov, Z. O. (2019). Entrepreneurship in tourism. Study guide. Samarkand: SamISI.
6. Raximov, Z. O. (2021). Socio-economic problems of hotel industry development in the field of tourism. Monograph.-Samarkand: SamISI.-2021.